# “Сотувчи кабинети”. Рўйхатдан ўтиш ва оферта.

Тадбиркорлар **Smart-Market**да ўз маҳсулот ва хизматларини жойлаштиришлари учун аввало тизимга киришлари керак. Бу эса бош саҳифадаги **“сотувчи кабинети”** тугмаси орқали амалга оширилади.




- **Логин** ва **пароль** орқали таъминотчи сифатида тизимга кирилади.

- Шунингдек **ЭРИ** (электрон рақамли имзо) орқали ҳам платформага кириш мумкин.




- **ЭРИ** ёрдамида тизимга киришда электрон рақамли имзо калити терилади.



- Тизимга киргач, чап ён қатордан **“реквизитлар”** бўлимига ўтилади.




- Кўринган ойна - таъминотчининг корхона ёки ташкилотига доир асосий реквизитлар қатори.




- **“Маълумотларни ўзгартириш”** тугмасини босиш орқали бу қаторни янгилаш мумкин. Жараён **“сақлаш”** тугмасини босиш орқали якунланади.




- Кейинги қадам - бу **“Smart-Market” маркетплейс тизимидан фойдаланиш бўйича оммавий оферта** билан танишиш.




SMART-MARKET.UZ

Электрон савдо майдончасидан фойдаланиш бўйича

ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент шаҳри 2024 йил 8 апрелдаги таҳрири

**“SMART MARKETPLACE” МЧЖ** (Кейинги ўринларда – **«Хизмат кўрсатувчи»** деб юритилади) Устав асосида фаолият кўрсатувчи директор **Алимов Азимжон Насимович** номидан “Smart Marketplace” Электрон савдо майдончаси (Кейинги ўринларда – Ахборот тизими деб юритилиши мумкин) орқали қуйидаги шартлар асосида хизмат кўрсатишни таклиф этади.

Ушбу оммавий оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 367-моддаси асосида тузилган бўлиб, smart-market.uz электрон савдо майдончаси орқали маҳсулот ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш бўйича ахборот хизматларни кўрсатиш таклифини ўз ичига олади.

**1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР**

1.1. Мазкур Офертада қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилган:

**Ахборот тизими** («smart-market.uz») – бозор тамойиллари асосида маҳсулот ва хизматларни эркин сотиш ёки сотиб олиш имконини берадиган дастурий маҳсулот.

**Шахсий кабинет** – ахборот тизимида маҳсулот ва хизматларни сотиш, сотиб олиш, тўловлар тўғрисида маълумот бериш, буюртмаларни амалга ошириш ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш учун яратилган дастурий интерфейс.

**Таъминотчи** – ахборот тизими орқали ўз маҳсулот ва хизматларини сотувчи хўжалик юритувчи субъект.

**Воситачи ташкилот** – ахборот тизимида Харидор сифатида рўйхатдан ўтган субъектнинг тўлов қобилиятини текшириш (баҳолаш) ва Харидорнинг Ахборот тизими орқали Таъминотчи (сотувчи)дан Маҳсулотни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш

- Офертанинг электрон кўриниши билан танишиб чиққач, **“ЭРИ” калит орқали имзоланади.**



- Оферта имзолангандан сўнг таъминотчининг профилида қуйидаги **маълумотлар ойнаси** очилади:




- Бош саҳифа, товар ва хизматлар, омборхона манзили, буюртмалар, шартномалар, фактуралар, омборхона, реквизитлар, оферта, тўловлар, кредит тўловлар, МХИК бириктириш, хабарнома, чорва маълумотлари, йўриқнома, тўлов ташкилотлари, чиқиш.

- Ҳар бир бўлим таъминотчи фаолиятини янада яхшилаш учун хизмат қилади.

Масалан, биргина **“омборхона манзили”** бўлимига кириб, сиз мавжуд ёки янги омборхона бўйича асосий маълумотларни киритишингиз мумкин.



- Навбатдаги қадам **hujjat.uz** орқали офертани имзолаш. Бунинг учун **“оферта” бўлими**га кириб, у ердан **hujjat.uz оферта**ни танлаш ва таъминотчи корхона ҳамда ва “Realsoft” МЧЖ ўртасида “hujjat.uz” ахборот тизимида электрон ҳужжат айланиши хизматини кўрсатиш бўйича оммавий офертани кўриш мумкин. Шундан сўнг **“Мен оммавий оферта шартларини қабул қиламан”** тугмасини босиш зарур.




- Сўнг **“тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтиш”** тумасини босиб, **ЭРИ** орқали имзолаш керак.



- **“Реквизитлар”** бўлимида оферта имзоланган сана кўриниб туради.

